



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 65 (13.398)

Баҳоси эркин нарҳда

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 25 март куни пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.



ши учун барча зарур имкониятларни яратиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Шу ерда Тошкент шаҳрида 2017-2030 йилларда йўл ва кўприклар қуриш ҳамда реконструкция қилиш режаси ҳам муҳокама этилди. Унга кўра, пойтахтимизда автомобиллар қатновини тартибга солиш мақсадида 93 километр янги йўллар қурилиб, мавжуд 140 километр йўл реконструкция қилинади. Бундай бунёдкорлик ишлари натижасида иқтисодий-ижтимоий инфратузилма ривожланиб, пойтахтимизда яшаш учун қулайликлар ортиб боради.

Шавкат Мирзиёев Бектемир туманидаги собиқ Тошкент мотор заводида ташир буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда ишбилармонлик ҳаракатини жадал ривожлантириш учун янги имкониятлар очмоқда. Тадбиркорларга қўшимча имтиёзлар яратилмоқда.

Бектемир туманидаги мотор заводининг умумий ер майдони 5 гектар, бино ва иншоотлар майдони 3 гектар. Ҳозир фойдаланилмаётган ушбу ҳудудда ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун яхши имконият, зарур инфратузилма бор.

Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ завод биналари қорхона ва тадбиркорларга имтиёзли тарзда ижарага берилмоқда. Тўловлар бошқа жойлардагига нисбатан бир неча баробар арзонлаштирилган. Бундай имтиёзлар тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шавкат Мирзиёев завод биналарини ишбилармон ва тадбиркорларга бўлиб бериш, уларда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади. Қорхоналарга қулайлик яратиш мақсадида бу ерда "йгона дарча" маркази, минибанклар ва бошқа хизматлар ташкил этилади. Миллий банк ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамағармаси маҳсулотларни экспорт қилишга қўмқашади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий лойиҳалар ҳақида ҳам сўзлаб берди.

Хар бир туманда тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Улар асосида ҳам таъминланган оилавлари тадбиркорликка жалб этиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга ойлантириш бўйича аниқ режа ишлаб чиқилган.

Оилаларга кириб бориш, одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш лозим. Одамларнинг даромади кўпайса, тўлов қобилияти ҳам юқори бўлади, маҳаллий бюджетларга пул маблағи кўпроқ тушади. Ҳокимликларда турли ижтимоий объектлар қуриш имконияти кенгайди, юртимизга янада барака киради, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ернинг ўзига Тошкент шаҳрида ташкил этилаётган кичик саноат зоналари ва истироҳат боғлари лойиҳалари ҳам намойиш этилди.

Юнусобод, Сергели ва Яккасарой туманларида 3 технопарк ташкил этилган бўлиб, улар мавжуд бино ва қувватлардан самарали фойдаланиш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда.

Шундай имкониятларни кенгайтириш мақсадида пойтахтимизда яна 6 кичик саноат зонаси ташкил этиш режалаштирилган. Мирзо Улугбек, Олмазор, Чилонзор, Миробод, Бектемир туманларидаги мавжуд иншоотларни реконструкция қилиш ва янгидан қуриш асосида тузилмадан бу зоналарда турли саноат қорхоналари, кичик бизнес субъектлари фаолият юритади.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 24 ноябрь куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувида 2017 йилда пойтахтимизда янги маданият ва истироҳат боғлари барпо этилишини таъкидлаган эди.

– Бугунги кунда бу борада жадал ишлар олиб борилмоқда, – дейди Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Нозим Хусанов. – Боғларнинг ҳар бири ўзига хос қўрғиниш ва йўналишга эга бўлади. Шайхонтоҳур тумани Белтепа кўчасида қўл функционал болалар истироҳат боғи, Учтепа туманида Фозилтепа ва Фарход кўчалари кесишган жойда Осиё ботаника боғи шаклидаги кўнгилолчар парк, Чилонзор тумани Бунёдкор кўчасида соғломлаштириш аквапарки, Мирзо Улугбек туманида Хамид Олимжон ва Маҳматга Ганди кўчалари қорраҳасида эстетик истироҳат боғи, Миробод туманида Нукус ва Ойбек кўчалари кесишувидея саломатлик ва спорт боғи, Сергели тумани Дўстлик мавзесида мультимедиявий фаворали маданият ва истироҳат боғи ташкил этилади. Бу паркларнинг жами ер майдони 45 гектарга етади. Уларга 110 аттракцион ўрнатилади. Президентимиз ташаббуси билан барпо этилаётган бу маданият ва истироҳат боғлари пойтахтимиз кўрғига кўрк қўшиб, шаҳар аҳолиси ва меҳмонларининг дам олиши учун янада қулайлик яратади.

Тижорат банклари кўмағида пойтахтимизда дори-дармонлар, қандолатчилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва мебель ишлаб чиқариш, металлчи қайта ишлаш, тиббиёт ва кўнгилолчар масканлар ташкил этиш режалаштирилган.

Миллий банк томонидан "Тошкент қорғози" масъулияти чекланган жамияти негизида 6 фармацевтика қорхонаси ташкил этилади. Уларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар 18,8 миллион долларлик импорт ўрнини қоплаб, 6 миллион доллар экспорт қилинади. Жами 430 иш ўрни яратилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА АҲИЛ ҚЎШНИЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ТЎҒРИСИДА ҚЎШМА ДЕКЛАРАЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22-23 март кунлари Қозоғистон Республикасига амалга оширган давлат таширифи доирасидаги икки томонлама музокаралар натижаларига кўра,

1998 йил 31 октябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома қоидаларига амал қилган ҳолда,

ўзаро ҳурмат, ишонч ва ошкоралик принципларига асосланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги мустаҳкам тарихий алоқалар, икки мамлакат халқларининг қўл асрик қардошлик ва ҳамкорлик ришталарига таяниб,

Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги аҳил қўшничилик, дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларнинг стратегик шериклик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш асосида жадал суратда ва изчил ривожланиётганини мамнуният билан қайд этиб,

икки томонлама кенг қамровли ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиш икки қардош халқларнинг узоқ муқаддлати манфаатларига жавоб беришига ҳамда Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик ва ривожланишни таъминлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилишига ишонч билдирган ҳолда,

халқаро майдонда янада узвий ҳамкорлик қилиш ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришга ўзаро интилишларини тасдиқлаб, икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш учун олий ва юқори даражада мунтазам икки томонлама таширифлар ва сиёсий маслаҳатлашувларни қўллаб-қувватлашга ҳамда ҳукуматлар, парламентлар ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга содиқ қолган ҳолда,

қуйидагилар тўғрисида баёнот берадилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қозоғистон Республикаси Президенти дипломатик муносабатлар ўрнатилган пайдан бошлаб чорак аср мобайнида ҳамкорликнинг турли соҳаларида эришилган салмоқли натижаларни юқори баҳолайдилар ҳамда икки давлат стратегик шериклик муносабатларининг янги тарихий даврга кираётганини таъкидлайдилар.

2. Томонлар Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик ва ривожланиш таъминлаш масалалари бўйича позицияларининг мос келишини тасдиқлаган ҳолда, минтақа ички муаммоларининг барча жабҳалари бўйича ўзаро мақбул қарорларни келишиш ва қабул қилиш, энг аввало, ушбу минтақа давлатлари томонидан тенг ҳуқуқлиқ, ўзаро манфаатдорлик ва бир-бирларининг манфаатларини ҳурмат қилиш асосида амалга оширилиши лозимлигини таъкидлайдилар.

3. Томонлар халқаро сиёсатнинг муҳим масалалари бўйича позицияларининг яқинлиги ёки мос келишини қайд этдилар, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга ўзаро интилишларини таъкидлайдилар ҳамда халқаро майдонда, хусусан, Биришлар Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислот ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни жадаллаштириш ниятларини тасдиқлайдилар.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ТЎҒҚЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси 2017 йил 28 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА АҲИЛ ҚЎШНИЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ТЎҒРИСИДА

ҚЎШМА ДЕКЛАРАЦИЯ

(Давоми. Боши 1-бетда)

4. Ўзбекистон Қозоғистоннинг 2017-2018 йилларда БМТ Хавфсизлик Кенгашига муваққат аъзолиги доирасида Марказий Осиё мамлакатлари учун умумий бўлган устувор масалаларни илгари суриш бўйича амалга ошираётган сайёҳаракатларини олқишлайди ҳамда минтақада барқарорлик, хавфсизлик ва ривожланишни таъминлаш масалалари, шу жумладан, халқаро сиёсатнинг томонларни қизиқтирган долзарб масалалари юзасидан Қозоғистон билан яқиндан ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир.

Томонлар Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона макomini янада кўтариш тарафдоридирлар.

5. Томонлар МДХ давлатларини қизиқтирган барча масалалар бўйича ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ривожини таъминлаш мақсадида МДХ доирасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ва Ҳамдўстлик механизмларидан янада самарали фойдаланишдан ўзаро манфаатдор эканликлари билдирдилар.

6. Президентлар хавфсизлик ва барқарорликка замонавий ҳуруж ва таҳдидларга қарши курашиш ҳамда иқтисодий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қўмаклашадиган ташкилот сифатида ШХТ кун тартибидagi муҳим масалалар бўйича позицияларининг ақинлиги ёки мис келишини таъкидладилар. Томонлар Ташкилот Хартиясига мувофиқ, ШХТ келгусида ҳам долзарб халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этишда блокли, мафкуравийлашган ва зиддиятли ёндашувларни истисно қиладиган йўлдан боришга содиқ қилишини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Қозоғистон Республикасининг ШХТга раислиги доирасида ҳамда 2017 йил 8-9 июнь кунлари Остона шаҳрида Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишини муваффақиятли ўтказиш бўйича унинг сайёҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

7. Давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикасини ва Қозоғистон Республикасини иштирокчилар ҳисобланган халқаро шартномалар асосида халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, наркотик ва қуролининг ноқонуний муаммолари бўлиши, транзитий уюшган жиноятчилик ҳамда бошқа хавфсизликка ҳуруж ва таҳдидлар билан курашишда маслаҳатлашувлар ўтказиш орқали икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва жадаллаштириш заруриятини қайд этдилар.

Ушбу мақсадларда Марказий Осиё минтақасида радикализм кўринишлари ва экстремизм тобора авж олишининг олдини олиш ва уларга қарши курашишда Ўзбекистон ва Қозоғистон тегишли идораларининг биргаликдаги ҳаракатларини тақомиллаштириш бўйича барча зарурий чоралар қўрилади.

8. Президентлар афгон халқининг миллий келишувга эришиш, мамлакатни тинчлик йўли билан тиклаш ва қайта барпо этишдаги сайёҳаракатларини қўллаб-қувватладилар ҳамда сиёсий-дипломатик усуллардан кенг фойдаланиш орқали Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича халқаро сайёҳаракатларда БМТнинг марказий мувофиқлаштирувчи ролини мустаҳкамлаш тарафдоридилар.

Томонлар Афғонистондаги вазиятни тезроқ барқарорлаштириш ҳамда ушбу мамлакатда тинчликка эришиш минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

9. Давлат раҳбарлари Марказий Осиё трансчегаравий дарёларининг сув ресурслари халқларнинг умумий бойлиги ва мукли эканлигини ҳамда миллийлаб инсонлар тақдири, бутун минтақа барқарорлиги ва фаровонлиги улардан оқилона ва адолатли фойдаланишга боғлиқ эканлигини қайд этдилар.

Томонлар Марказий Осиё трансчегаравий дарёларида янги гидротехник иншоотлар барпо этишни бошқа манфаатдор давлатлар манфаатларига зийн этказмайдиган конструктив ёндашув ва муроса асосида, шунингдек, трансчегаравий таъсирга эга бўлган барча лойиҳаларни ҳолис халқаро экспертизадан ўтказиш ва қўйи оқимда жойлашган мамлакатлар билан келишишни назарда тутувчи БМТ конвенция-

ларида белгиланган халқаро сув ҳуқуқининг умумэътироф этилган нормаларига мувофиқ амалга ошириш лозимлиги тўғрисидаги фикрни қўллаб-қувватладилар.

10. Томонлар экология ва сув хавфсизлигини таъминлашга, шунингдек, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш масалаларига устувор аҳамият берадилар, махсус қўшма дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, илчи гуруҳлар ташкил қилишга қўмаклашадилар, атроф-муҳит ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона фойдаланиш учун зарур чоралар қўрадилар ҳамда ҳудудлар ва аҳолининг ҳаёт фаолиятига таҳдид соладиган экологик ҳалокатлар ва фавқулодда вазиятларда ўзаро ёрдам кўрсатадилар.

Томонлар Орolni қўтариш халқаро фондида Орол ҳалокати таъсири остида қолган ҳудудларни экологик соғломлаштиришга, шунингдек, минтақа ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга қаратилган экологик ва илмий-амалий лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш бўйича минтақа мамлакатларининг биргаликдаги ҳаракатлари учун универсал платформа сифатида қарайдилар.

11. Томонлар Ислон ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ), биринчи навбатда, фан-таълим, маданий-гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда мусулмон давлатларининг янада фаол биргаликдаги ҳаракатларига қўмаклашадиган ҳамда бу орқали халқаро ҳамкорлик ва хавфсизликни илгари суришга ҳисса қўшадиган нуфузли форуми сифатидаги ролини мустаҳкамлаш мақсадида мазкур ташкилот доирасидаги шериклигини муҳимлигини қайд этдилар.

Қозоғистон Республикаси 2016 йил 19 октябрь кунли Тошкент шаҳрида "Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл" мавзусида 43-сессия муваффақиятли бўлиб ўтган ИХТ Ташки ишлар вазирлари кенгашига Ўзбекистон Республикасининг раислиги доирасида унинг сайёҳаракатларини тўлақонли қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон томони 2017 йил 10-11 сентябрь кунлари Остона шаҳрида Фан ва технологиялар бўйича ИХТ биринчи саммити ўтказилишини олқишлайди ҳамда ушбу тадбирда иштирок этишга тайёрглигини билдирди.

12. Қозоғистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасини Президентига Ўзбекистон томони "ЭКСПО – 2017" халқаро иктисослаштирилган кўргазмасида иштирок этишга қизиқиш билдиргани учун миннатдорчилик изҳор қилди.

Томонлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик тоза технологияларни жорий қилиш, барқарор ривожланиш мақсадлари принциплари асосида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда юқори технологияли соҳалар ва экологик тоза ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича икки мамлакат устувор қарашларининг мис келишини мамнуният билан қайд этадилар.

13. Томонлар парламентлараро алоқаларнинг фаоллашувини мамнуният билан қайд этадилар. Бу соҳада, хусусан, икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари палаталари ўртасида янада фаол ва кенг қамровли амалий ҳамкорликни йўлга қўйишда мавжуд заҳиралар аниқлаштирилди.

14. Президентлар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ривожининг ижобий тенденцияларини мамнуният билан қайд этдилар ва икки томонлама савдо ҳамж-ларининг доимий ўсишини таъминлашга, икки мамлакат бозорларида харидорлар бўлган юқори қўшимча қийматли маҳсулотларни товар айланмасига жалб қилиш орқали икки томонлама савдонинг диверсификация қилишга ҳамда иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлигини узоқ муддатли шақллари ривожлантиришга ўзаро интилишларини билдирдилар.

Томонлар ташриф давомида имзоланган 2017-2019 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик стратегиясини изчил амалга ошириш иқтисодиётнинг турли соҳаларида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ва ўзаро товар айланмасини 2020 йилгача 5 миллиард АҚШ долларида кўтаришга туртки

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат МИРЗИЁЕВ

Қозоғистон Республикаси Президенти
Нурсултон НАЗАРБОВЕВ

Остона, 2017 йил 23 март

Республика Маънавият тарғибот маркази ҳузуридаги "Маънавият тарғиботчиси" ўқув марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз" китобининг тарғиботига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

КЕЛАЖАК УЧУН МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан Республика Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари, олимлар, ўқитувчилар ва журналистлар иштирок этди.

Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Н.Мухаммадиев, Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси, юридик фанлари доктори Ф.Муҳиддинова ва бошқарув давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг "Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз" китоби мамлакатимизда қонун устуворлиги, тартиб-интизом, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, жамиятимизда миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлашда муҳим қўлланма ва дастур вазифасини ўташини таъкидлади. Китоб мана шундай эзгу мақсадлар жамулжамлиги баробарида вилоятлар, туман ва шаҳарларни иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш, одамларнинг ҳаётига таъсир қиладиган соҳалардаги ишларни жонлантириш, мавжуд муаммоларни бар-тараф этиш ҳамда бошқа долзарб аҳамиятга эга бўлган тамойиллар ва вазифаларга бағишлангани билан ҳар бир китобхон ва ўқувчини улкан мақсадга – шу эзиз диёр тарраққўйига муносиб ҳисса қўлишга ундайди.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Буюк келажакимизни мард ва олижа-

ноб халқимиз билан бирга қураимиз" китобини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим, – дейди Республика Маънавият тарғибот маркази бўлим мудири, юридик фанлари доктори Г.Маткаримова. – Китоб давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувларида сўзлаган нутқ ва маърузаларини қамраб олган. Шунингдек, Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг давлатимиз мустақилликка эришиш йўлидаги машаққатли ва дадил фаолияти, олиб борган изчил ва пухта сиёсати, юртимиз ва жаҳон тарихида муносиб тарихий ўрин қолдирганилиги ҳамда мустақиллигимиз асосчиси бошлаб берган босқинча-босқинч ривожланиш, порлоқ истиқболга эришиш йўлидан бориб, бир тану бир жон бўлиб, Ўзбекистонимизни тараққий этган ва фаровон давлатга айлантириш – устувор вазифамиз эканлиги тўғрисидаги фикр ва ғоялар жамланган.

Ушбу китобдаги давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган эзгулик ва тарраққўй, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги ғоялар мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётидаги ислохотларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ ҲУКУМАТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ҚЎМИТАСИ МАЖЛИСИ

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитасининг Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича кичик қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, савдо, сармоя, нефть-газ, экспорт, машинасозлик, электротехника, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, юқори технологиялар, сайёҳлик, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирли, кичик қўмита хамраиси Элёр Ғаниев мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик илчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистоннинг йиллик савдо ва сармоявий шерикларидан биридир. 2016 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 4,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондаги лойиҳаларга жалб қилинган Хитой инвестициялари ва кредитлари ҳажми 6,5 миллиард доллардан ошади.

Хитой компаниялари ва банклари иштирокида мамлакатимизда Қамчиқ довонида 19,2 километрлик темир йўл туннелини ишга тушириш, Деҳқон-обод қалийли ўғитлар заводи ва Қўнғирот сода заводи қуриш, Хоразм вилоятида замонавий эскаватор ва бўльдозерлар ишлаб чиқариш, телекоммуникациялар ва ахборот технологияларини ривожлантириш сингари саноат ва инфратузилма ривож учун муҳим лойиҳалар, "Жиззах" эркин иқтисодий зонасида инвестициявий лойиҳалар амалга оширилган.

Бугунги кунда "Ангрен" эркин иқтисодий зонасида автомобиль ва қишлоқ ҳўжалиги техникаси шиналари ва конвейер лентаси ишлаб чиқариш заводи ҳамда "Навоийазот" акциядорлик жамияти негизда поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуасини қуриш каби муҳим инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Энергетика, нефть-газ, ирригация ва ме-

берган ҳолда, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилишини қайд этдилар.

15. Икки давлат раҳбарлари жорий йилнинг 22-23 феврал, кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг ўн олтинчи мажлиси якунларини ижобий баҳолар ҳамда савдо-иқтисодий соҳада, энг аввало, кенг қўламли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали аниқ натижаларга эришиш мақсадида унинг ролини янада қучайтириш заруриятини таъкидладилар.

Томонлар транспорт ва коммуникация, қазиб чиқариш ва қайта ишлаш саноатлари, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги, автомобиль, кимё ва ёнғил саноат, соғлиқни сақлаш ва туризм каби устувор йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни жадаллаштириш ниятидалар.

16. Томонлар икки мамлакат минтақалари ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни жадаллаштиришга қўмаклашадиган Минтақалараро ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим имзоланганини қайд этдилар.

Томонлар икки мамлакат минтақалари ҳамкорлигининг янги шаклини амалга ошириш механизмни яратиш имкониятини ўрганадилар.

17. Президентлар икки давлатнинг улкан транзит-транспорт салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, ташки бозорларга энг қисқа ва самарали чиқишни таъминловчи транспорт ва транзит йўлларини ривожлантириш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлигининг устувор хусусиятини қайд этдилар.

Бу борада Томонлар ўз ҳудудларидан ташки савдо юкларини транзит ташвишда икки мамлакат темир йўл маъмуриятлари томонидан ўзаро преференциялар ва қўшимча чегирмаларнинг тақдим этилиши бу соҳадаги ҳамкорликни тубдан кенгайтиришга ҳамда транзит юкларнинг салмоқли ҳажмларини жалб қилишга имкон беришини таъкидладилар.

Томонлар "Бейнеу – Акжигит – Ўзбекистон чегараси" автомобиль йўли лойиҳаси, шунингдек, минтақа мамлакатларининг халқаро денгиз коммуникациялари ва салоҳиятли бозорларга мўқобил чиқишини таъминлайдиган бошқа қўшма лойиҳаларнинг тез орада амалга ошишидан ўзаро манфаатдор эканликлари билдирдилар.

18. Томонлар икки мамлакат халқлари ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, қардошлик ва ҳамкорликни сақлаш ва мустаҳкамлашда ўзларининг тарихий масъулиятини англаган ҳолда, фан ва таълим, маданият ва санъат, туризм ва спорт соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга содиқ эканликлари тасдиқладилар.

Томонлар бундан буён ҳам икки давлат ҳудудида истиқомат қилаётган ўзбек ва қозоқ диаспоралари учун она тили, миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ривожлантириш масалаларида қўлай шароитлар яратиб берадилар.

19. Президентлар ишонч ва ўзаро англашув муҳитида ўтган музокаралик якунларини мамнуният билан қайд этдилар. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим омилли бўлиб хизмат қиладиган ҳамда икки мамлакат қардош халқлари ўртасида ўзаро англашувни чуқурлаштиришга қўмаклашадиган икки томонлама олий даражадаги учрашувларни мунтазам равишда ўтказиб боришга келишиб олинди.

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевга ва барча Қозоғистон халқига ўзбек делегациясига кўрсатилган меҳмондўстлик ва илиқ қабул учун миннатдорчилик билдирди ҳамда Қозоғистон Республикаси Президентига ўзи учун қўлай бўлган вақтда Ўзбекистон Республикасига ташриф буюришни таклиф қилди. Ташриф муддатлари дипломатик каналлар орқали келишилади.



● Нукусда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда партия қўйи ташкилотлари етакчилари, "Тарғиботчилар" гуруҳи, "Истиқбол" ёшлар қаноти фаоллари, халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси тасаруфидagi иктисослаштирилган болалар ва ўсмирлар гимнастика мактабида спортчи қизларга Президент совғаси – спорт либослари топширилди.

● Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида Наврўз айёмига бағишланган кўргазма бўлиб ўтмоқда. "Ассалом, Наврўз!" деб номланган кўргазмада 30 дан ортиқ таниқли мусаввир ва ёш рассомларнинг умрбоқий қадриятларимиз – сумалак сайли, гул сайли, улоқ-қўпкари ўйинлари, кексаларга кўпмат-эҳтиром акс этган 150 дан зиёд мойбўёқ, графика ва ҳайкалтарошлик асарлари намойиш этилмоқда.

● Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиалида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмаркада тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларга солиқ идораси ва тижорат банклари ходимлари томонидан солиқ имтиёзлари, кредит олиш йўл-йўриқлари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

● Бухорода "Спорт – саломатлик гарови" шиори остидаги республика спартакиадасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан корхона-ташкilot ва муассасалар ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини қўрор топтириш, уларни спортга кенг жалб қилиш мақсадида ташкил этилган спартакиадада 200 дан зиёд иштирокчи спортнинг 6 тури бўйича ўзаро баҳслашди.



● Франция президенти Франсуа Олланд дунёдаги ЮНЕСКО ҳимоясида бўлган маданий мерос объектларини террорчилардан ҳимоя қилиш жамғармасига бир қатор давлатлар умумий микдорда 75,5 миллион доллар йўналтиришини билдирди. Ҳўни, Франция ушбу жамғармага 30 миллион доллар ажратди. Шунингдек, жамғармага Саудия Арабистони, БАА, Қувайт, Люксембург, Марокаш ва Швейцария ҳам молиявий қўмак кўрсатади.

● Шимоллий Америка ушбу давлатдаги банкнинг Бангладешдаги филиали ҳисобидан Шимоллий корейлик ҳаркерлар 81 миллион долларни ўмаржонликда гумон қилинаётганлиги боис КХДРни судга бериш ниятида эканлигини билдирди.

● Хитой, Чили ва Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар дунёнинг 150 давлатига гўшт экспорт қилувчи Бразилиядан гўшт маҳсулотларини импорт қилишни тўхтатишмоқда ёки чеклаб қўйишмоқда. Бунга бразилиялик ишлаб чиқарувчиларнинг эски маҳсулотни сотаётгани билан боғлиқ можаро сабаб бўлмоқда. Шу муносабат билан Бразилия ҳукумати BRF ва JBS каби йирик гўшт ишлаб чиқарувчиларга нисбатан тафтиш ишлари бошланганини маълум қилди.

Севара АЛИЖОНОВА

Мустақиллик йилларида маҳалла институтининг нуфузини ошириш нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий, тарбиявий ва улкан маънавий аҳамиятга эга бўлган устувор вазифа сифатида белгиланиб, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда унинг ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилди.

Хусусан, миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий бирликлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида мустақамлаб кўйилди. Юздан ортик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларнинг жамият ҳаётининг муайян соҳасидаги иштироки ўз аксини топди.

Хозирги кунда юртимизда 9767 тадан ортик фуқаролар йиғинлари томонидан илгари маҳаллий давлат жамияти органларига тааллуқли 30 дан зиёд ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик вазифалар муваффақиятли бажариб келинмоқда.

Шу билан бирга мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замонавий талаблари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эса ушбу тузилманинг ҳуқуқий асосини аниқ белгилаб берди.

Бу эса фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини сифатида ўзини ўзи бошқариш тизимини бутунлай янги босқичга кўтариб ва одамларга маъқул бўлган ижобий ишлар қўлайлигини таъминлайди. Жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантиришда, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда маҳаллаларнинг аҳамияти ва нуфузини янада оширади. Фармонда маҳаллани аҳолига энг яқин ва ҳалқчил тузилмага айлантириш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб берилди.

Фармоннинг энг муҳим жиҳати маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши-ни фуқаролар йиғинларининг уюшмасига айлантириш, унга юридик шахс мақомини бериш ва доимий асосда ишлайдиган ижро тузилмасини ташкил этиш на-

зарда тутилган. Мазкур тизим қуйи поғонадаги маҳалла билан республика даражасидаги Кенгашни тизимли боғланишини таъминлайди.

Кенгашлар зиммасига юклатилган вазифалар ижросини самарали таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг моддий-тех-

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

ника базасини мустақамлаш, соҳада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий дастурларни молиялаштириш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар раисларининг биринчи ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг тегишчан Республика бошқаруви ҳамда ҳудудий бўлим ва бўлинмаларига раислик қилишлари ҳақидаги ташаббус қўллаб-қувватланди.

